
Хотира – муқаддас, ҳеч ким, ҳеч нарса унуглилмайди

Инсон бор экан, хотира – муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса унуглилмайди. Халқимиз бугунги тинч-хотиржам замонни асрар-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам бугунги осуда кунларни таъминлашга ҳисса қўшган инсонлар, соҳа фахрийлари хотирасини дилида абадий сақлайди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан 9 май - Хотира ва қадрлаш куни арафасида Ватанимиз мустақиллиги, тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо қилган, шу юртнинг азиз фарзандлари хотиралари ёдга олиниб, уларнинг оила аъзолари холидан хабар олинди.



Ана шундай чин ўғлонлардан бири, майор Раҳматжон Миртожиев эди.

Миртохиев Раҳматжон Исломович 1951 йилда Ўзбекистон туманининг Қайқуобод қишлоғида туғилган. 1978 йилдан Ички ишлар идораларида хизмат қила бошлаган. 1992 йил 29 февралда қуролланган жиноятчини қўлга олиш вақтида оғир яраланиб, халок бўлган.



Туман ҳокимлиги вакиллари, туман Мудофаа ишлари бўлими хамда Қўқон харбий гарнizonига қарашли харбий қисм зобитлари билан биргаликда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган мард ўғлоннинг хонадонига ташриф буориб, у кишининг порлоқ хотирасига хурмат бажо келтирилди.

Ташриф чоғида элу юрт тинчлиги, ҳалқимиз хавфсизлиги йўлида ҳалок бўлган жасур майор Раҳматжон Миртоҷиевнинг турмуш ўртоғи Махмудаҳон Миртоҷиева билан дилдан сухбатлашилди. Мард ўғлоннинг хизматдаги ютуқлари, ватанпарварлиги, ўз вазифасини сидқидилдан адo этганлиги ҳақида эсланиб, ёруғ хотираси ёд этилди.



Хонадон аъзоларини байрам билан муборакбод этиб, уларга тинчлик, хотиржамлик, оилавий баҳт ва саодат тиланди ҳамда ҳокимлик ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-05-09 22:09:51